

12-10-2019

ACTUAL PROBLEMS OF FORMING SPECIALISTS IN PREMILITARY EDUCATION

A T. Khasanov

Chairman of the sporting games chair FarSU

T T. Yusupov

FarSU lecturer of the sporting games chair

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khasanov, A T. and Yusupov, T T. (2019) "ACTUAL PROBLEMS OF FORMING SPECIALISTS IN PREMILITARY EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 64. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/64>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ACTUAL PROBLEMS OF FORMING SPECIALISTS IN PREMILITARY EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

**ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Хасанов А.Т. (PhD), ФарДУ Спорт ўйинлари кафедраси мудири
Юсупов Т.Т. ФарДУ Спорт ўйинлари кафедраси ўқитувчиси

Резюме: Олий гуманитар таълим муассасаларининг махсулаштирилган факультетларида чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув жараёнига педагогик технологияларни жорий қилиш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар ва иборалар: педагогик технология, инновация, ҳарбий маҳорат, концепция, мотивация, методология.

ACTUAL PROBLEMS OF FORMING SPECIALISTS IN PREMILITARY EDUCATION

Khasanov A.T. (PhD), Chairman of the sporting games chair FarSU.
Yusupov T.T. FarSU lecturer of the sporting games chair

Abstract: To Khasanov's article "Pedagogical technology in the process of teaching academic course "Until military education" studied questions incoming in the academic process of pedagogical technology on preparing the specialists until military education in the specialized faculties of the higher humanitarian schools.

Key words and phrases: pedagogical technology, innovation, military skillful, conception, motivation, methodology

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО
ВОЕННОМУ ОБУЧЕНИЮ ДО ПРИЗЫВА**

Хасанов А.Т. (PhD), Заведующий кафедры спортивных игр ФарДУ.
Юсупов Т.Т. ФарДУ преподаватель кафедры спортивных игр.

Резюме: Изучены вопросы внедрения в учебный процесс современных педагогических технологий при подготовке специалистов по допризывному военному образованию на специализированных факультетах высших гуманитарных образовательных учреждений

Ключевые слова и выражения: педагогическая технология, инновации, воинское мастерство, концепция, мотивация, методология.

Янги аср бошларига келиб, жаҳондаги геосиёсий вазият тубдан ўз-гарди. Хусусан, турли геосиёсий кучлар ўртасидаги рақобат кучайди, геосиёсий майдондаги мувозанат янгича тус олди. Шу муносабат билан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масаласи стратегик аҳамиятга молик вазифага айланмоқда. Мазкур ижтимоий аҳамиятга молик вазифанинг рўёби жузъан ёшларни чақириққача ҳарбий таълим асослари билан таништириш масаласига бориб тақалади. Бунинг учун эса энг аввало, чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнига замонавий педагогик технологиялар асосида қайта ташкил этмоқ даркор.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган” деб кўрсатиб ўтилган[1].

Президентимиз томонидан ҳам ҳарбий таълим бўйича мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг замон талаблари даражасида тайёргарлик кўришлари зарурлиги ва шунинг учун янги замонавий Мудофаа Доктринаси қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланган[2,3].

Мутахассислар амалга оширган мониторинг натижаларига қараганда, чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассиснинг касбий-педагогик маҳорати таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятнинг 7-8 йилидан кейин-гина ўз такомилга етади. Шу давр мобайнида у касбий таълимнинг турли компонентларини, ўқитишнинг янги инновацион технологияларини, таълим мазмунини оширишга хизмат қиладиган замонавий услуб ва усулларни тугал ўзлаштиради. Бироқ мутахассиснинг шаклланиши-стихияли шаклда содир бўладиган жараён эмас, албатта. У мақсадга мувофиқ тарзда бошқарилмоғи, йўналтириб борилмоғи лозим. Бунинг учун биринчи навбатда чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиси ўз соҳасига доир турли-туман ахборотлар билан кенг қўламда таъминланмоғи даркор. Чунки ҳарбий техника, ҳарбий док-трина ва информатика соҳасидаги назарий ва сиёсий билимлар билан қуролланган мутахассисгина ўз касбий фаолиятини самарали ташкил қилиш, касбий фаолиятининг турли соҳаларида ижодкорлик намуналарини кўрсатиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассиснинг касбий-педагогик маҳоратини шакллантириш учун мазкур жараён билан боғлиқ асосий педагогик вазифалар муфассал белгилаб олинмоғи керак. Фикри-мизча, ушбу вазифалар туркумига қуйидагилар киради:

- педагогик жараённинг моҳияти, қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганиш;
- жамият ҳаётида ва Қуролли Кучлардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, махсулаштирилган факультет талабаларини тарбиялашнинг самарали концепциясини тузиш;
- ўқитиш, тарбиялаш жараёнларини ривожлантириш, келгусидаги ҳар кунлик ва жанговар фаолиятни иродавий – психологик таъминлашни прогнозлаштириш;
- талабаларни ўз-ўзини такомиллаштиришнинг мазмуни, методикаси ва қонуниятларини асослаш ва яна унинг мотивациясига ва қизиқтиришга шароитлар яратиш;
- бўлғуси чақириққача ҳарбий таълим мутахассисининг педагогик маданиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассиснинг амалий фаолияти кўпроқ чақирувгача ёшдаги йигитлар билан амалий ишлашнинг илғор тажрибаларини ўрганишга, чақириққача ҳарбий тайёргарликнинг назарий асосларига таяниб, ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий услубларини ўзлаштиришга, ёшларни ҳарбий хизматнинг унумли модели, алгоритми ва технологияси билан

таништиришга тайёрлашга қаратилмоғи даркор. Ўқитув-чининг касбий-педагогик фаолияти идеаллар, қизиқишлар ва моддий манфа-атдорликнинг уйғунлиги асосида ташкил қилинса, унда педагогнинг шахсий фазилатларини юксалтиришга эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассиснинг касбий-педагогик маҳоратини шакллантиришда “Қуроли Кучлардаги иродавий-психологик омилнинг роли ва тарбиялашнинг моҳияти ҳақидаги Низом” методологик асос вазифасини ўтамоғи лозим. Мазкур методологик асосга таянган фаолият мутахассиснинг психологик тайёргарлиги даражасини оширади, юқори жанговар тайёргарликка эришиш учун зарур бўлган иродавий-психологик, интеллектуал, жисмоний ва жанговар сифатларни, ҳарбий маҳоратни шакллантириш имконини беради.

Ўқитишнинг замонавий педагогик технологиясига қўйиладиган талабларга асосланиб, соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний такомиллаштириш, спорт-соғломлаштириш ва амалий йўналишдаги ҳаракат такомиллаштирилишидан тузилган қўшимча бўлимларни чақириққача ҳарбий таълим дастурига жорий қилиш тавсия қилинади. Ўқитишнинг янги педагогик технологияларини ўқув жараёнига жорий қилиш педагогик фаолиятнинг турли-туман соҳасидаги чуқур касбий билим, малака ва кўникмаларни такомиллаштириш билан педагогик вазифаларни ҳал қилишда чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ўсишига ёрдам беради [4].

Амалиётнинг кўрсатишича, чақириққача ҳарбий таълим факультети талабалари «Касбий-амалий жисмоний тайёргарлик» ўқув фанини ўрганиш жараёнида назарий ҳамда амалий билимларнинг шаклланиш қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишлари керак [7,8].

Юқоридаги фикрлар тадқиқот мақсадини аниқлаб олиш имконини беради, яъни гуманитар таълим муассасаларида чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дастурини тажрибада асослаб беришни назарда тутади.

Умумий ва махсус вазифаларни ҳал этиш йўли орқали олдинга қўйилган мақсадга эришилади, бу ерда касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг умумий вазифалари объектив вазифалардан келиб чиқади ва талабаларнинг касбий фаолиятига ҳамда жисмоний ҳолатига қўйиладиган талабларни акс эттиради.

Касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг умумий вазифаларига қуйидагилар киради:

- зарур жисмоний сифатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- ушбу касбдаги махсус ҳаракат малакалари ва кўникмаларини эгаллаш;
- жисмоний ривожланиш, ҳаракат тайёргарлиги, организмнинг ноқулай минтақавий омиллар таъсирига нисбатан бардошлилиги даражасини ошириш ҳамда соғлиқни мустаҳкамлаш.

Талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятини эътиборга олган ҳолда шакллантирилган махсус вазифаларга қуйидагилар киради:

-юксак даражадаги жисмоний ривожланишни, организмнинг функционал ҳолатини ва ҳаракат тайёргарлигини таъминлашга қаратилган вазифалар;

-кейинги касбий фаолият учун зарур бўлган касбий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга йўналтирилган вазифалар.

Айтиб ўтилган вазифалар ўқув жараёнида биз томонимиздан ишлаб чиқилган талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг илмий асосланган блокли тизими асосида ҳал этилади.

Бутун таълим цикли давомида амалга ошириладиган педагогик мониторинг ишлаб чиқилган баҳолаш градациясини ўз ичига олади. Бу талабаларнинг умумий жисмоний ва махсус касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини аниқлашга, уларнинг ишга тайёр туриш рейтингини аниқлаб олишга ва жисмоний тарбия ҳамда спорт бўйича амалий машғулотларга нисбатан мотивациянинг ҳосил бўлишига ёрдам берувчи методларни излаб топишга ёрдам беради.

Чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг ишлаб чиқилган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик босқичини тажрибада синовдан ўтказиш жараёнида блокли-модулли ўқитиш тизими схемасидан фойдаланилди. Бунда ИИВ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларга (А.А.Кочкаров, 2006) ва ўрта махсус таълим тизимига аввал жорий қилинган (Қ.Қ.Жабборов, 2008), лекин олий гуманитар таълим муассасаларидаги ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнига қўйиладиган талабларни ҳамда бўлажак касбнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда биз томонимиздан янгилаштирилган тизим асос қилиб қабул қилинган эди[5,6].

Тўртта модул белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бири битта семестрга тенг бўлган иккита блокка бўлинди. Блоклар умумий, махсус ва касбий-амалий жисмоний тайёргарликни ривожлантиришга йўналтирилган эди. Ҳар бир таълим блокидаги жисмоний юкламалар ҳажми, қўлланиладиган воситалар ва уларнинг мақсадга мувофиққўлланилиши давомийлиги аниқланди.

Ўқитиш жараёнида модулар ўқув юкласини режалаштиришнинг биргаликда - изчил ташкил қилиниши схемаси бўйича тузиб чиқилади. Бу ерда изчиллик касбий-амалий жисмоний тайёргарлик воситаларининг қатъий тартибда ва навбатма-навбат киритилишини аниқлатади. Бунда устувор йўналишдаги касбий-амалий жисмоний тайёргарлик воситалари қўлланилиб, талабалар организмга машқлантирувчи таъсир кўрсатувчи юкламалар ҳажмининг ўсиб бориши эътиборга олинди. Касбий-амалий жисмоний тайёргарлик воситаларидан фойдаланишда изчиллик зарур функционал заминни таъминлайди, унинг асосида босқичдан-босқичга ҳажми ва шиддати ўсиб борувчи жисмоний юкламаларнинг талабалар организмга машқлантирувчи таъсир самараси амалга оширилади.

Ўқув машғулотлари касбий-амалий ҳаракат малакаларини шакллантириш ва талабаларнинг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини аста-секин ошириш мақсадида жисмоний тайёргарликнинг алоҳида бўлимлари бўйича ўтказилади. Машғулотларни комплекс ҳолда ўтказиш методи машғулотларда ўзлаштириладиган бўлимга тааллуқли бўлган жисмоний машқлар ҳисобига амалга оширилади. Бундай жисмоний машқлар юқори шиддат билан бажарилади ва узок давом этади, давомийлиги

хамда самарадорлигига кўра оптимал бўлган дам олиш даврлари билан бажарилади. Бундай жисмоний машқлар комплексининг қўлланилиши катта жисмоний толиқишни келтириб чиқаради ва максимал жисмоний зўриқишларга бардош бера олишга, чарчоқ белгилари билан курашишга ёрдам беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, чақириққача ҳарбий таълим бўйича мута-хассис касбий-педагогик маҳоратининг замон талаблари ва янги педагогик тажрибалар ҳамда технологиялар асосида шакллантирилиши мамлакат хавф-сизлигини таъминлашга хизмат қиладиган кадрлар сафини тўлдиради.

References:

1. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida" gi Qonuni. Toshkent sh., 1997 yil 29 avgust.
2. O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasi Mudofaa Doktrinasini to'g'risida" gi Qonuni. –Toshkent sh., 2018 yil 9 yanvar, 458-son.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoevning Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan tarkibdagi majlisidagi "Qurolli Kuchlarimiz – mamlakatimiz barqarorligi va taraqqiyotining mustahkam kafolatidir" nomli nutqi. 2018 yil 10 yanvar.
4. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.- T.,2003.-174 s.
5. Jabborov Q.Q. Kollej o'quvchilari jismoniy tarbiyasining pedagogik texnologiyasi monitoringi. Avtoref.dis.... kand. ped.nauk. T., 2008. – 20 s.
6. Kochkarov A.A. PFPF kursantov visshix kursov po podgotovke serjantskogo sostava Akademii MVD RUz: Uchebnoe posobie. Izd-vo «Akademiya MVD RUz» T.:2006 – 56 s.
7. Izaak V.M. PFPF v sisteme fizicheskogo vospitaniya studentov. Uchebnoe posobie. T.,2003.-22 s.
8. Xankeldiev SH.X., Xasanov A.T. CHaqiriqqacha harbiy ta'lim fakulteti talabalarining jismoniy tarbiya bo'yicha yo'naltirilgan mashg'ulotlarini eksperimental asoslash. //Fan-sportga.–T., 2013. № 1.–S.21-23.

МУНДАРИЖА**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ****01.00.00****ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиqli оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М, Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ**02.00.00****ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ****CHEMICAL SCIENCES**

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S., Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**03.00.00****БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****BIOLOGICAL SCIENCES**

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оиласининг вакили frs10 гени g.hirsutum
туридаги функцияси ринки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж, Батошов А.Р, Каримов Б.А, Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**05.00.00****ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ****TECHNICAL SCIENCES**

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ**07.00.00****ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ****HISTORICAL SCIENCES**

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
ФАЛСАФА ФАНЛАРИ		
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ		
PHILOSOPHICAL SCIENCES		
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
PHILOLOGICAL SCIENCES		
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
25	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214
ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ	
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ	
GEOGRAPHICAL SCIENCES	
42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
PEDAGOGICAL SCIENCES	
43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учқарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков, Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398